

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

СОТВОЛДИЕВ ДИЛШОДБЕК МАРИФЖОНОВИЧ

**ШАХСНИНГ КЎЗ ТАСВИРИ АСОСИДА КАСАЛЛИКЛАРНИ
АНИҚЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Сотволдиев Дилшодбек Марифжонович

Шахсинг кўз тасвири асосида касалликларни аниқлаш алгоритмлари 3

Сотволдиев Дилшодбек Марифжонович

Алгоритмы выявления заболеваний по изображению глаза человека21

Sotvoldiev Dilshodbek Marifjonovich

Algorithms for detecting diseases from the image of the human eye39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

СОТВОЛДИЕВ ДИЛШОДБЕК МАРИФЖОНОВИЧ

**ШАХСНИНГ КЎЗ ТАСВИРИ АСОСИДА КАСАЛЛИКЛАРНИ
АНИҚЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T896 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Примова Холида Анорбоевна**
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Исмаилов Мирхалил Агзамович**
техника фанлари доктори, профессор

Юсупов Озод Раббимович
PhD

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат транспорт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» июль соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (213 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» июнь да тарқатилди.
(2021 йил «22» июнь даги 1 рақамли реестр баённомаси.)



Р. Х. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлар доктори, профессор

Ф. М. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлар доктори, доцент

О.Ж.Бабомурадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси техника фанлар доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда «дунёдаги тиббиёт техникаси бозорида кўз туби, юрак-қон томирлари тизими ва бошқа биотиббий тасвирларнинг юқори сифатли суратларини олиш учун кенг кўламдаги жиҳозлар таклиф қилинмоқда, бироқ кўпчилик тизимлардаги амалий таъминотда тасвирларни дастлабки қайта ишлаш, сифатини ошириш учун фақатгина энг оммабоп бўлган воситаларгина мавжуддир»¹ Дунёнинг ривожланган мамлакатларида, жумладан АҚШ, Япония, Испания, Германия, Буюк Британия, Франция, Россия Федерацияси ва бошқаларда клиникалар ва амалиётларни тўлиқ компьютерлаштиришнинг дастурий-техник мажмуалари жадаллик билан ривожланиб бормоқда, бу эса рақамли тасвирлар билан ишловчи мониторинг дастурлари ва эксперт тизимларига бўлган талабнинг ошишига олиб келади.

Жаҳонда ҳозирги вақтда фойдаланилаётган услубиятлар турли касалликлар тўғрисида тўлиқ тасаввур бермайди, ҳисобга олиш учун мумкин бўлган барча касалликларни ташхислаш ва олдини олишда фойдаланиш мумкин бўлган бутун омиллар тўпламини тақдим этмайди. Беморнинг жорий ҳолатини нотўғри талқин қилиниши даволаш ва касалликларни олдини олиш самарадорлигининг сезиларли даражада пасайишига олиб келади. Беморларга ёрдам кўрсатишдаги самарадорликнинг кескин ошишига ташхисий маълумотларни қайта ишлаш, талқин қилиш ва сақлаш бўйича замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш заруратини вужудга келтиради.

Республикамизда барча иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда қон томирлари тасвирларидаги ташхисий жиҳатдан муҳим маълумотларни ажратиш олиш услубиятини яратиш, томирлар тизими тасвирларини моделлаштириш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усуллари, алгоритмлари ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш ҳамда улар асосида тиббий мақсадлардаги уларнинг морфологик белгиларини миқдорий баҳолаш асосида қон томирлари касалликларини эрта ташхислаш билан таъминловчи компьютер тизимларини қуриш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги

1 Н.Ю. Ильясова, А.В. Куприянов, А.О. Корепанов, М.А. Ананьш. Математические модели и методы оценивания диагностических параметров древовидных структур.- Самара: СГАУ, 2007 104 б.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумотларни интел-лектуал таҳлил қилиш масалалари билан Л.Заде, Р.Алиев, Мамдани, Сугено ва бошқа хорижий олимлар изланишлар олиб борган. Тасвирнинг статистик характеристикаларини ҳисобга олган ҳолда диаметрни ўлчашнинг динамик усулини Y.Wang, J.Cheasty, R. Zuckermanлар таклиф қилишди. Офтальмологик тасвирларни қайта ишлаш (сифатини яхшилаш) усулларини Carl Zeiss, Rodenstok, Topcon ва бошқалар томонидан таклиф этилди. Michael Goldbaum тасвир рақамлаштирилганидан кейин муҳим элементларини ажратиб олинишни баён қилади. Кўз туби томирлар тизимини ташхислашда Н.Ю. Ильясова, А.В. Куприянов, А.О.Корепанов, М.А. Ананыш шулар шуғулланганлар булар асосан корреляцион таҳлил, регрессион таҳлил, факторли таҳлил, кластерли таҳлил, дискриминант таҳлил асосида изланишлар олиб борган.

Республикада норавадан маълумотларни интеллекттуал таҳлил қилиш масалалари билан Т.Ф.Бекмуратов, М.М. Камилов, Ш.Х.Фозилов, Н.А.Игнатъев, Д.Т.Мухамедиева, Ф.Т.Одилова, Н.С.Маматов, Р.Н.Усманов, А.Х.Нишонов, С.С.Ражабов, Х.А.Примовалар илмий изланишлар олиб борган.

Ҳозирда шахснинг кўз туби олд кўриниши қон томири тасвири турли қийматларини ҳисоблаш асосида ташхислаш алгоритмининг ҳамда кўз касалликларини ташхислаш масаласини ечиш учун ўрамли нейрон тармоғи архитектурасини ишлаб чиқиш ва кўз туби ён кўриниши қон томири тасвири асосида кўз касалликларини аниқлаш алгоритмининг норавадан тўпламлар назариясини қўллаган ҳолда ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №БВ-В-Ф4-011 «Ноаниклик шароитларида маълумотларни интеллектуал таҳлилининг норавадан-нокоррект

масалаларини ечиш усул ва алгоритмлари» (2017-2020) мавзуларидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотларнинг мақсади ўрамли нейрон тармоғи ва норавшан тўпламлар назариясини қўллаган ҳолда шахснинг кўз туби олд ва ён кўриниши қон томири тасвири асосида кўз касалликларини ташхислаш масаласини ечиш.

Тадқиқотларнинг вазифалари:

томир патологияларини ташхислаш муаммоларининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш, кўз туби тасвирлардаги томир патологиясини ташхислаш учун зарур параметрларини аниқлаш;

тасвирлар устида бажариладиган норавшан морфологик амалларни такомиллаштириш;

шахснинг кўз туби олд кўриниши қон томири тасвири турли қийматларини ҳисоблаш асосида ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

кўз касалликларини ташхислаш масаласини ечиш учун ўрамли нейрон тармоғи архитектурасинини ишлаб чиқиш ҳамда кўз туби ён кўриниши қон томири тасвири асосида кўз касалликларини аниқлаш алгоритминини такомиллаштириш;

кўз касалликлар бўйича маълумотлар тўпламинини шакллантириш ҳамда шахснинг кўз туби олд ва ён кўриниши қон томири тасвири асосида касалликларни аниқлаш дастурларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шахснинг кўз туби олд ва ён кўриниши қон томири тасвири олинган.

Тадқиқотнинг предмети шахснинг кўз тасвири асосида ташхислаш усули ва алгоритми ҳамда дастурий таъминоти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишнинг назарий тадқиқотлари математик таҳлил, тимсолларни аниқлаш, норавшан тўпламлар назарияси, нейрон тўрлар усулларига, шунингдек тасвирларни қайта ишлаш усуллари, нейрон тармоқлари асосида ўқитиш алгоритмлари, ечимларни таққослаш усул ва алгоритмларига асосланган, башоратлашнинг компьютерли моделидан тажрибалар асоси сифатида фойдаланилган ҳамда тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

норавшан тўпламлар назариясидаги фаззификация ва дефаззификация оператори ёрдамида тасвирлар устида бажариладиган морфологик дилатация ва эрозия амаллари такомиллаштирилган;

шахснинг кўз туби олд кўриниши қон томири тасвири параметрларини аниқлаш асосида турли хил қандли диабет, гипертоник, артериал гипертензия ва бошқа касалликларни ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

кўз касалликларини ташхислаш масаласини ечишнинг ўрамли нейрон тармоғи архитектураси ва алгоритми ишлаб чиқилган;

кўз туби ён кўриниши қон томири тасвири асосида кўз касалликларини аниқлаш алгоритми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўз касалликлар бўйича маълумотлар тўплами шакллантирилди;

ўрамли нейрон тармоғи асосида тасвир объектларини таниб олиш дастури ишлаб чиқилди;

офтальмолог-шифокор томонидан қарорлар қабул қилишга кўмаклашиш ташхислаш дастури яратилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ечимларнинг интеллектуал таҳлили келтирилган бўлиб, норавшан ҳисоблаш амаллари асосида таниб олиш ва башоратлаш масалаларини реал ва тажриба синовида ечимларни солиштириш билан модел адекватлиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти норавшан муҳитда кўз туби тасвирларини таҳлил қилиш асосида томирлар тизими тасвирларини қайта ишлаш ва таниб олишнинг алгоритмларини яратишдан иборат бўлиб, кўз тубининг патологик ўзгаришларини ташхислаш имконини бериш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган алгоритмлар ва яратилган дастурий воситалар офтальмолог-шифокор томонидан қарорлар қабул қилишга кўмаклашувчи ташхисий тизимларни ривожлантиришда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шахснинг кўз тасвири асосида ташхислаш алгоритмлари ва дастурий таъминот ёрдамида:

қон томирлари тасвирларидаги ташхисий жиҳатдан аҳамиятли маълумотларни ажратиш услубияти Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалида, Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмасида, Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида, Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонасида ҳамда Андижон вилояти офтальмология шифохонасида жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 07 майдаги 8-7-10/686-сон маълумотномаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 09 февралги 33-8/931-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида кўз туби тасвирлари ёрдамида кўз касалликларини ташхислаш самарадорлигини ўртача 15% га ошириш имконини берган;

ўрамли нейрон тармоғи асосида қон томирлари касалликларини ташхислашнинг компьютер тизимлари Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалида, Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасида, ва Фарғона вилояти офтальмология шифохонасида жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 07 майдаги 8-7-10/686-сон маълумотномаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш Вазирлигининг 2021 йил 09 февралдаги 33-8/931-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида кўз туби патологик кўриниши асосида касалликларни ташхислаш самарадорлигини ўртача 15% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий назарий ва амалий натижалари 7 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари 29 та илмий ишларда эълон қилинган, улардан 10 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган журналларда, 3 таси хорижий журналларда ва 7 таси республика журналларида нашр қилнган, ҳамда 2 та ЭҲМ учун дастурларни расмий рўйхатдан олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шахснинг кўз тасвири асосида ташхислаш алгоритмларининг аналитик таҳлили**» деб номланган биринчи боби ташхисий параметрларни баҳолаш усулларининг аналитик таҳлили, тимсолларни таниб олишнинг замонавий алгоритмлари таҳлили, турли ахборотли ҳолатларда тасвирларни таниб олиш масалаларига бағишланган бўлиб, унда тасвирни таниб олиш бўйича мавжуд усул ва алгоритмларнинг қиёсий таҳлили келтирилган. Ушбу таҳлил натижалари асосида қон томирлари тасвирларини компьютерда таҳлил қилиш тизимларининг қиёсий таҳлили таклиф этилган (1-жадвал). Бундан ташқари, мазкур бобда диссертация ишининг шахснинг кўз тасвири асосида ташхислаш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат мақсади шакллантирилган. Ечимлари қўйилган мақсадга эриштирувчи вазифалар белгиланган.

Ҳозирги вақтга келиб таниб олишнинг корреляцион назарияси билан боғлиқ бўлган усуллари кенг тарқалди. Буларга турли типдаги мувофиқлаштирилган филтрлар, корреляторлар, спектр анализаторлари киради. Бизнингча бундай ёндашувда белгилар фазосининг ўлчами жуда юқори бўлади. Кўрсатиб ўтилган камчиликларни енгиб ўтиш учун тадқиқот ишида ташхисланаётган тасвирларнинг геометрик параметрларидан фойдаланиш таклиф қилинади. Офтальмолог-шифокор учун бундай белгилар бўлиб кўз туби қон томирлари диаметрининг бир текис эмаслиги ва эгрилиги ҳисобланади.


Томирларни таҳлил қилиш мавжуд компьютер тизимлари

Мумкин бўлган тизимлар	Тасвирларни рўйхатга олиш ва визуализация қилиш, таъхислаш маълумотларини ҳисобга олиш ва уларни алмашиш	Тасвирларга дастлабки ишлов бериш, уларни маркировка қилиш ва ўлчаш учун стандарт воситалар	Қизиқтирган соҳаларни сегментация қилиш ва микдорий баҳолаш, томирларнинг ўрта чизиғини ажратиш олиш	Диаметрларни баҳолаш, (AVR)(трасса бўйлаб диаметрлар диаграммаларини куриш мумкин)	Эгриланишлар, тармоқланиш бурчакларини баҳолаш (бошқа морфологик характеристикалар мавжуд бўлиши	Қизиқтирган соҳаларни синфларга ажратиш. Таъхислаш босқичларини автоматлаштириш. Томирларнинг субклиник морфологик ўзгаришларини таҳлил қилиш	3D тасвирларни таҳлил ва синтез қилиш	Жиҳозга боғлаш
Компьютер тизимлари								
SIRUS	-	+	-	+	-	-	-	-
LIVE-VESEL	-	-	+	-	-	-	-	-
STARE	-	+	+	-	-	+	-	-
Гамма Мультивокс	+	+	+	+	-	-	+	+
Myrian® XP-Vessel	+	+	+	+	-	-	+	-+
VAMPIRE	-	+	+	+	+	-	-	-
ЭЛЕКТРОН	+	+	-	-	-	-	-	+
Allura Xper(Philips)	+	+	+	-	-	-	+	+
InterView Fusion (Mediso)	+	+	-	-	-	-	-	-
GOP (Context Vision)	+	+	-	-	-	-	-	-

Диссертациянинг «Кўз туби олд кўриниши тасвирлари асосида ташхислаш алгоритмлари» деб номланган иккинчи бобида предмет соҳасининг баёни келтирилган. Бундан ташқари, айрим усул ва алгоритмларнинг такомиллаштирилган кўринишлари таклиф этилган.

Ушбу ишда дарахтсимон тузилмаларнинг мавжудлиги билан тавсифланувчи биотиббий тасвирлар синфи кўриб чиқилади. Бундай тасвирларга одам кўз тўрпардаси кўз тубининг тасвирлари, одам қон томирлари тизими томирлари ва бошқа биология тузилмалар суратларини киритиш мумкин. Дарахтсимон тузилмалар тасвирларини таҳлил қилишда тармоқлар марказларини ажратиб олиш ва тармоқнинг ҳар бир нуқтасида йўналишларни аниқлаш масаласи асосий ҳисобланади.

Ушбу параметрлар ёрдамида қуйидаги тиббий-ташхисий параметрларни баҳолаш амалга оширилади: чизиқли гемодинамика параметри (томирнинг локал диаметри); ажратилган сегментдаги томирнинг ўртача диаметри; томир калибрининг нотекислик параметрлари (томир деворининг эгрилиги ва букилганлиги); ажратилган сегментда томир ҳаракатининг параметрлари (боришининг эгрилиги ва букилганлиги); томирларнинг тармоқланиш бурчаклари; турли томирларнинг маълум соҳалардаги кенгликлари нисбатини характерловчи параметр.



норма патология норма патология норма патология
а) б) в)

1-расм. Тўрпарда патологияси белгиларининг расмлари:
а) эгри-бугрилиқ, б) тармоқланиш бурчаги, в) қалинлик ўзгариши динамикаси

Ташхисий параметрлар тўплами қуйидаги баён қилинувчи ташхислаш белгилари тўпламини ҳосил қилади: 1) тармоқнинг ўртача диаметри; 2) тўғри чизиқлилиқ тармоқнинг тўғри чизиқли йўналишдан четлашишини характерлайди; 3) тармоқнинг аниқ образлилиги тармоқ қалинлигининг нотекислигини характерлайди; 4) тармоқ қалинлиги тебранишлари амплитудаси тармоқ деворининг тўғри чизиқдан четланишини характерлайди; 5) қалинлик тебранишлари частотаси унинг узунлик бирлигига тўғри келувчи тармоқ девори йўналишининг ўзгаришини характерлайди; 6) қалинликнинг эгри-бугрилиги трасса бўйлаб қалинлик функциясининг ўзгариш тезлигини характерлайди; 7) трассанинг эгри-бугрилиги трасса (тармоқ треакторияси) функциясининг ўзгариш тезлигини характерлайди; 8) трасса тебранишлари амплитудаси трасса боришининг тўғри чизиқли йўналишдан четланиш

даражасини характерлайди; 9) трасса тебранишлари частотаси тармоқ узунлик бирлигига тўғри келувчи трасса йўналиши ўзгаришлари сонини характерлайди.

Ҳозирги вақтда математик морфология тасвирларга рақамли ишлов беришда кенг қўлланилмоқда. Ушбу бобда тасвирлар устида норавшан морфологик операциялар такомиллаштирилди.

Асосий морфологик операциялар бўлиб кулранг дилатация ва эрозия операциялари киритилган:

$$(f \oplus b)(s, t) = \max_{\substack{(s-x, t-y) \in D_f \\ (x, y) \in D_b}} (f(s-x, t-y) + b(x, y)); \quad (1)$$

$$(f \ominus b)(s, t) = \min_{\substack{(s+x, t+y) \in D_f \\ (x, y) \in D_b}} (f(s+x, t+y) - b(x, y)); \quad (2)$$

бу ерда $f(s, t)$ – тасвирнинг ёрқинлик функцияси;

$b(x, y)$ – тузилма ҳосил қилувчи элемент;

D_f, D_b – f ва b нинг аниқланиш соҳалари.

Айтайлик, ишлов берилаётган тасвир $P = \{(x, y) | x \in \{1, 2, \dots, N\}, y \in \{1, 2, \dots, M\}\}$ пикселлар текислигида $f: P \rightarrow [0, 1]$ ёрқинлик функцияси билан берилган бўлсин. У ҳолда (1) ёки (2) операция қўлланилганидан кейин тасвирнинг ёрқинлик функциясининг $[0, 1]$ оралик доирасидан чиқишини кўриш қийин эмас, бу эса дилатация ёки эрозиядан тасвирлар устидаги мустақил операциялар сифатида фойдаланиш имкониятини бермайди.

Морфологик операцияларнинг аниқланган камчиликларини енгиб ўтиш учун норавшан тўпламлар назариясидан фойдаланиш таклиф қилинди.

Кулранг тасвирлар ва тузилма ҳосил қилувчи элементларни қуйидаги кўринишдаги норавшан қисм-тўпламлар билан белгилаймиз: $\underline{A} = \{p | \mu_{\underline{A}}(p), p \in P\}$ Тасвирнинг тегишлилик функцияси унинг ёрқинлик функцияси билан белгиланади: $\mu_{\underline{A}}(x) = f_{\underline{A}}(x)$, тузилмавий элементнинг тегишлилик функцияси априори берилади. У ҳолда таклиф қилинган ёндашувга кўра дилатацияни қуйидаги каби норавшан ҳолат учун умумлаштириш мумкин:

$$\underline{A} \oplus \underline{B} = \left\{ c \mid \exists x : (x \in (\hat{B})_c) \wedge (x \in \underline{A}) \right\} = \left\{ c \mid \max_{x \in P} \left(\mu_{(\hat{B})_c}(x) \wedge \mu_{\underline{A}}(x) \right) \right\}.$$

Тасвирлар ҳолатига эрозия операциясини умумлаштириш учун қуйидаги ифодадан фойдаланиш таклиф қилинади:

$$\underline{A} \ominus \underline{B} = \left\{ c \mid \min_{x \in P} \left(\min \{ 1, 1 - \mu_{(\hat{B})_c}(x) + \mu_{\underline{A}}(x) \} \right) \right\}.$$

Дилатация ва эрозия операциялари асосида тузилган чегараларни ажратишнинг морфологик усули норавшан ҳолатга кенгайтириш қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$\underline{A}' = (\underline{A} \oplus \underline{B}) \setminus (\underline{A} \ominus \underline{B}),$$

бу ерда $\mu_{A \setminus B}(x) = \max\{\mu_A(x) - \mu_B(x), 0\}$.

Диссертация ишининг « **Нейрон тармоғидан фойдаланган ҳолда кўз касалликларини аниқлаш алгоритмлари** » деб номланган учинчи бобида ўрамли нейрон тармоқларидан фойдаланган ҳолда кўз касалликларини аниқлаш алгоритмлари таклиф этилган. Хатоликнинг тескари тарқалиши алгоритми бўйича ўқитиш билан тўлдирилган ўрамли нейрон тармоғидан фойдаланилди.

Ўрамли нейрон тармоғи турли қатламлардан ташкил топади:

Қатламларнинг дастлабки икки тури (convolutional, subsampling), ўзаро ўрин алмашган ҳолда кўп қатламли персептрон учун кирувчи белгилар векторини ҳосил қилади.

Ўрамли тармоқлар биологик ўхшаш тармоқлар билан оддий кўп қатламли персептрон ўртасидаги муваффақиятли оралиқ бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда тасвирларни таниб олиш бўйича энг яхши натижалар улар ёрдамида олинади. Ўртача олганда бундай тармоқларнинг аниқлиги оддий сунъий нейрон тармоғидан 10-15% га юқоридир.

Ўрамли қатламнинг барча хариталари ўлчамлари қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$(w, h) = (mW - kW + 1, mH - kH + 1),$$

бу ерда (w, h) – ўрамли хаританинг ҳисобланаётган ўлчами; mW – аввалги хаританинг кенглиги; mH – аввалги хаританинг баландлиги; kW – ядронинг кенглиги; kH – ядро баландлиги.

Ядро аввалги хаританинг бутун соҳаси бўйлаб сирпанувчи ва объектларнинг маълум белгиларини топувчи филтёр ёки ойнадан иборат. Ядро аввалги харита бўйича сирпанади ва кўпинча тасвирларга ишлов беришда фойдаланилувчи қуйидаги формула бўйича ўрам операциясини бажаради

$$(f * g)[m, n] = \sum_{k, l} f[m - k, n - l] * g[k, l],$$

бу ерда f – берилган тасвир матрицаси; g – ўрам ядроси.

Танлов ости қатлами ядроси (филтёр) билан аввалги қатлам харитасини сканерлаш жараёнида сканерловчи ядро ўрамли қатламдан фарқ қилган ҳолда кесишмайди. Одатда ҳар бир харита 2×2 ўлчамдаги ядрога эга бўлади, бу эса ўрамли қатламнинг аввалги хариталарини 2 марта камайтиришга имкон беради. Барча белгилар харитаси 2×2 элементдан иборат ячейкаларга бўлинади, улардан қиймати бўйича максимали танлаб олинади.

Одатда танлов ости қатламида ReLU фаоллаштириш функцияси қўлланилади.

Қатламни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$x^l = f(a^l * \text{subsample}(x^{l-1}) + b^l),$$

бу ерда x^l – қатлам чиқиши; $f()$ – фаоллаштириш функцияси; a^l, b^l қатламнинг силжиш коэффициентлари; $\text{Subsample}()$ – локал максимал қийматларни танлаб олиш операцияси.

Нейрон тўрини ўқитишнинг квадратик хатосини камайтириш учун ҳар бир вазнга нисбатан E_n^p частота ҳосиласини ҳисоблаб градиент тушиш усулидан фойдаланамиз. Қуйидаги муносабатга эга бўламиз:

$$\frac{\partial E_n^p}{\partial w_i} = x_{n-1}^j \cdot \frac{\partial E_n^p}{\partial y_n^i}, \quad \frac{\partial E_n^p}{\partial y_n^i} = g'(x_n^j) \cdot \frac{\partial E_n^p}{\partial x_n^i},$$

бу ерда g' активация функцияси.

$$\frac{\partial E_n^p}{\partial y_n^i} = x_n^i - d_n^i,$$

x_{n-1}^j - j - қатламнинг $(n-1)$ - нейронининг чиқиши, y_n^i - $(n-1)$ -қатлам нейронларининг барча чиқишининг скаляр кўпайтмаси ва тегишли вазн коэффициентлари.

Кўз касалликлари параметрлари ёрдамида таҳлиллар ва тажрибалардан фойдаланиб, кўз касалликларини аниқлашда томир хусусиятларига қараб моделлаштирилди:


-томир қалинлигини ҳисоблаш $a = \frac{\sum_{i=1}^K d_i}{K}$, $v = \frac{\sum_{i=1}^K D_i}{K}$ ва $v > \frac{2}{3}a$ бўлганда

кўз касаллиги ташхиси қўйилади(2- расм а) бу ерда d_i -артерия қон томир ичига чизилган айлана диаметри, D_i -вена қон томир ичига чизилган айлана диаметри, K - қон томир ичига чизилган айланалар сони

- $tg\alpha$ орқали бурчак ҳисоблаб олинади А ва В томони ҳосил қилинган учбурчак томонларига тенг. $\alpha = \arctg \frac{c_1}{b} + \arctg \frac{c_2}{a}$ пикселлар орқали бурчак ҳисобланиб, ўтмас бурчак ҳолати учун касаллик ташхиси қўйилади.(2-расм б).



а)



б)



с)


2- расм Кўз туби қон томирининг кўриниш шакллари

Агар функция график кўринишида ёки мураккаб аналитик ифода билан берилган бўлса, у ҳолда бошқа турдаги вариантли масалалар вужудга келади. Масалан, $[a, b]$ ораликни l та бўлакка ажратиш талаб этилсин:

$$[a_{i-1}, a_i], i = 1, \dots, l, a_0 = a, a_l = b,$$

ҳар бир $[a_{i-1}, a_i]$ кесмада функцияни қуйидаги кўпхадга яқинлаштириш керак:

$$f(x) \approx g(x) = \sum_{k=0}^n c_k x^k.$$




3- расм. Дастурнинг функционал тузилмаси

Яқинлашишнинг бундай усуллари ичидан у ёки бу маънода муқобили топилади. Кўпинча олдидан, $n_1 = \dots = n_l$, $m_1 = \dots = m_l$ деган талаб қўйилади, l бўлинган кесмаларнинг сони ҳисобланади ва a_1, \dots, a_{l-1} , n ва m бўйича усул муқобиллаштирилади. Хусусий ҳолда, яъни $l=1$ да белгиланган кесмада кўпхадга текис яқинлашиш масаласи туғилади (2- расм с) Кўз томирининг олд

тараф тасвири асосида дастурнинг функционал тузилмаси ишлаб чиқилди (3-расм).

Ўрамли нейрон тармоғи архитектурасини яратгандан ва уни ўқитгандан кейин ундан фойдаланишни ўтказиш мумкин. Ўрамли нейрон тармоғи, тўғри тарқалувчи нейрон тармоқлари ёрдамида классификаторни куриш биринчи ўрамли қатламдан оқ бошланади. Яратилган ўрамли нейрон тармоғи архитектураси 4-расмда келтирилган.



4-расм. Ўрамли нейрон тармоғининг умумий тузилиши

4-расмда келтирилган ўрамли нейрон тармоғи қатламларнинг турлари: ўрамли (convolutional) қатламлар, субдискретизация (subsampling, танлов ости) қатламларидан ташкил топган. Ўрам операциясида фақат кичик ўлчамдаги чекланган вазнлар матричасидан ёки 3×3 ўлчамдаги ойнадан фойдаланилади


Биринчи қатламдан кейин $28 \times 28 \times 1$ матричаси – фаоллаштириш функцияси ёки белгилар харитасини, яъни 784 та қийматни оламиз. Кейин $C1$ қатламда олинган матрица $k \times k$ ўлчамли ойна ёрдамида субдискретизация операциясидан (пулингдан) ўтади. Кўз томирининг ён тараф тасвири асосида қуйидаги гибрид алгоритм ишлаб чиқилди.

Кўз томирининг ён тараф тасвири асосида дастурнинг функционал тузилмаси ишлаб чиқилди (5-расм).

Диссертациянинг «**Кўз туби тасвирлари бўйича кўз касалликларини ташхислаш дастури ва олинган натижа таҳлили**» деб номланган тўртинчи боби таклиф этилган интеллектуал гибрид усул ва алгоритмлар асосида кўз туби тасвирлари бўйича кўз касалликларини ташхислаш дастури ишлаб чиқилган ва олинган натижа таҳлили келтирилган.

Дастур python 3.6.7 версиясида ишлаб чиқилди. Дастурни ишлашини таъминлашда видеохаританинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Тасвирларни қайта ишлашда қўйидаги кутубхоналар юклаб олинади:

```
abs1-py==0.10.0 astunparse==1.6.3 attrs==20.2.0 cachetools==4.1.1
certifi==2020.6.20 chardet==3.0.4 cycler==0.10.0 dill==0.3.2 future==0.18.2
gast==0.3.3 google-auth==1.21.1 google-auth-oauthlib==0.4.1 google-
pasta==0.2.0 googleapis-common-protos==1.52.0 grpcio==1.32.0 h5py==2.10.0
idna==2.10 importlib-metadata==1.7.0 Keras==2.4.3 Keras-Preprocessing==1.1.2
```



5-расм. Кўз томирининг ён тараф тасвири асосида яратилган дастурнинг функционал тузилмаси

kiwisolver==1.2.0 Markdown==3.2.2 matplotlib==3.3.1 numpy==1.18.5
 oauthlib==3.1.0 opencv-python==3.4.3.18 opt-einsum==3.3.0 Pillow==7.2.0
 promise==2.3 protobuf==3.13.0 yasn1==0.4.8 pyasn1-modules==0.2.8
 pyparsing==2.4.7 PyQt5==5.15.1 PyQt5-sip==12.8.1 python-dateutil==2.8.1
 PyYAML==5.3.1 requests==2.24.0 requests-oauthlib==1.3.0 rsa==4.6
 scipy==1.4.1 six==1.15.0 tensorboard==2.3.0 tensorboard-plugin-wit==1.7.0
 tensorflow==2.3.0 tensorflow-datasets==3.2.1 tensorflow-estimator==2.3.0
 tensorflow-metadata==0.24.0 termcolor==1.1.0 tqdm==4.48.2 urllib3==1.25.10
 Werkzeug==1.0.1 wrapt==1.12.1 zipp==3.1.0.

Тажрибавий тадқиқотлар кўз томир патологиясида ажратиб олинган тест тасвирларида ўтказилди.

Кўз томирининг ён тарафдан кўриниши тасвирлари маълумотлар тўплами kaggle.com очик маълумотлар тўплами сайтидан олинди. Ушбу маълумотлар тўпламидан олинган тасвирлар куйидагича тақсимланди. 2-жадвал.

2-жадвал

Тажирибаларда фойдаланилган тасвирларнинг тақсимланиши

	Соғлом кўз	Хориоидеядан ўсган янги қон томир	Друсен кўз касаллиги
Умумий тасвирлар сони	26315	37205	28616
Ўқитилган тасвирлар сони	242	242	242
Тест қилинган тасвирлар сони	26557	37447	28858

Ушбу маълумотлар тўплами асосида турли структурадаги натжалар таҳлиллари олинди.

Ишда ўқитувчи билан ўқитиш усули асосида объектларни таниб олиш ва синфларга ажратиш бўйича дастурий таъминот яратилди, ишда яратилган битта кириш қатлами, учта ўрамли қатлам ва учта субдискретизация қатламига эга бўлган ўрамли нейрон тармоғи. Тармоқнинг тузилиши асосида 3- жадвалда келтирилган натижалар олинди.

Танланган тармоқни ўқитиш, ўзгартириш ва тестдан ўтказиш йўли билан эпохаларнинг (итерацияларнинг) оптимал сони аниқланди.

3-жадвал

Тизим учун нотаниш бўлган тест маълумотлар танитилган натижа

№	Категория номи	Жами тестлар	Тўғри	Нотўғри	Фоиз
1	Хориоидеядан ўсган янги қон томир	242	212	30	87,6
2	Друсен кўз касаллиги	242	199	43	82,3
3	Соғлом кўз	242	232	10	95,8

Ўрамли нейрон тармоғи чиқишида базада мавжуд бўлган объектга мос келиш эҳтимолликлари олинади. Максимал даражадаги эҳтимолликка эга

бўлган кадр танлаб олинади ва шу вақтдаги якуний хулоса сифатида қабул қилинади. Хатолар сони 4-40% ни ташкил қилди.

Морфологик фильтрация амалга оширилганда 4 жадвалдаги таниб олиш натижалари олинган.

4-жадвал

Тизим учун нотаниш бўлган тест маълумотларни морфологик фильтрация орқали ўқитилгандаги натижалар

№	Категория номи	Жами тестлар	Тўғри	Нотўғри	Фоиз
1	Хориоидеядан ўсган янги қон томир	242	208	34	85,9
2	Друсен кўз касаллиги	242	192	50	79,3
3	Соғлом кўз	242	221	21	91,3

Норавшан морфологик фильтрация амалга оширилганда 5 жадвалдаги таниб олиш натижалари олинди.

5-жадвал

Тизим учун нотаниш бўлган тест маълумотларни норавшан морфологик фильтрация орқали ўқитилганда

№	Категория номи	Жами тестлар	Тўғри	Нотўғри	Фоиз
1	Хориоидеядан ўсган янги қон томир	242	229	13	94,6
2	Друсен кўз касаллиги	242	218	24	90,2
3	Соғлом кўз	242	235	7	97,4

Норавшан морфологик фильтрация амалга оширилгандан сўнг 5-жадвал натижалари олинди. Хатоликлар сони 5-7% ни ташкил қилди. Норавшан морфологик фильтрация амалга оширилганда ҳисоблашлардаги аниқлик ошди.

Ўрамли нейрон тармоқлари масштаб ўзгаришлари, силжишлар, буришлар, ракурснинг алмашиши ва бошқа бузилишларга нисбатан қисман турғунликни таъминлайди.

Кўз туби организмдаги томирлар тизимининг тўрпарда томирларидаги патологик ўзгаришларни миқдорий баҳолаш усуллари ва алгоритмларига асосланган кўз туби тасвирларини таҳлил қилишда ишлаб чиқилган автоматлаштирилган тизим тўрпарданинг бошқа касалликларини ҳам ташхислашга имкон беради.

Ушбу тадқиқот ишида кўз туби тасвирларини таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган тизими ташхислашнинг алоҳида босқичларини автоматлаштиришга имкон беради.

ХУЛОСА

«Шахснинг кўз тасвири асосида касалликларни аниқлаш алгоритмлари» мавзусида олиб борилган диссертация тадқиқотининг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Томир патологияларини ташхислаш муаммоларининг замонавий ҳолати таҳлил қилинди. Олиб борилган таҳлил натижалари кўз туби тасвирлардаги томир патологиясини ташхислаш учун зарур параметрлари аниқлашга ва ташхислаш масалаларни шакллантиришга имкон беради.

2. Тасвирлар устида морфологик операциялар норавшан тўпламлар назарияси асосида такомиллаштирилди. Таклиф қилинган норавшан морфологик операциялар тасвирларга дастлабки ишлов бериш ва уларни таҳлил қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш учун фойдаланишга имкон берди.

3. Шахснинг кўз туби олд кўриниши қон томири тасвири параметрларини аниқлаш асосида турли хил касалликларни ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритм кўз касалликларидан фарқли бошқа касалликларини ҳам ташхислашга имкон берди.

4. Кўз касалликларини ташхислаш масаласини ечиш мақсадида ўрамли нейрон тармоғи архитектураси ишлаб чиқилди. Бу эса кўз туби ён кўриниши қон томири тасвири асосида кўз касалликларини аниқлаш алгоритмини такомиллаштиришга имкон берди.

5. Кўз касалликлар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда шахснинг кўз туби олд ва ён кўриниши қон томири тасвири асосида касалликларни аниқлаш дастурлари ишлаб чиқилди. Ўрамли нейрон тармоқлари масштаб ўзгаришлари, силжишлар, буришлар, ракурснинг алмашиши ва бошқа бузилишларга нисбатан қисман турғунликни таъминлашга имкон берди.

6. Кўз туби организмдаги томирлар тизимининг тўрпарда томирларидаги патологик ўзгаришларни миқдорий баҳолаш усуллари ва алгоритмларига асосланган кўз туби тасвирларини таҳлил қилишнинг автоматлашган тизими ишлиб чиқилди. Дастур таклиф қилинган алгоритмларнинг адекватлигини текширишга имкон берди.

7. Ушбу тадқиқот ишида кўз туби тасвирларини таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган тизими ташхислашнинг алоҳида босқичларини автоматлаштиришга имкон берди.

8. Қон томирлари тасвирларидаги ташхисий жиҳатдан аҳамиятли маълумотларни ажратиш услубияти Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалида, Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмасида, Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида, Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонасида ҳамда Андижон ва Фарғона вилояти офтальмология шифохонасида тадбиқ этилган. Илмий тадқиқот натижасида кўз туби тасвирлари ёрдамида кўз касалликларини ташхислаш самарадорлигини 15% га ошириш имконини берди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

СОТВОЛДИЕВ ДИЛШОДБЕК МАРИФЖОНОВИЧ

**АЛГОРИТМЫ ВЫЯВЛЕНИЯ ЗАБОЛЕВАНИЙ ПО ИЗОБРАЖЕНИЮ
ГЛАЗА ЧЕЛОВЕКА**

05.01.03 - Теоретические основы информатики

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.PhD/T896.

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Примова Холида Анорбоевна
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Исмаилов Мирхалил Агзамович
доктор технических наук, профессор

Юсупов Озод Раббимович
PhD


Ведущая организация: Ташкентский государственный транспортный университет


Защита диссертации состоится «13» ИЮЛЬ 2021 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №___). (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «28» ИЮНЬ 2021 года.
(протокол рассылки № 1 от «22» ИЮНЬ 2021 г.).




Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор технических наук, профессор


Ф.М.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор технических наук, доцент

О.Ж.Бабомурадов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня «на оном рынке медицинской техники предлагается довольно большой спектр оорудования для получения высококачественных изображений снимков зного дна, сердечно-сосудистой системы и других биомедицинских изображений, однако прикладное обеспечение у большинства систем содержит лишь наиболее общеупотребительные средства для предобработки изображений, повышения их качества»¹. В развитых странах мира, включая США, Японию, Испанию, Германию, Великобританию, Францию, Российскую Федерацию и др., быстро развиваются программно-аппаратные комплексы для полной компьютеризации клиник и практик, что приводит к повышению спроса на программы мониторинга и экспертные системы, оперирующие цифровыми изображениями.

Методы, используемые в настоящее время в мире, не дают полной картины различных заболеваний, а также не предоставляют для учета полного набора факторов, которые можно использовать для диагностики и профилактики всевозможных заболеваний. Неправильная интерпретация текущего состояния пациента приводит к значительному снижению эффективности лечения и профилактики заболеваний. Существенное повышение эффективности лечения пациентов требует использования современных компьютерных технологий для обработки, интерпретации и хранения диагностических данных.

Особое внимание уделяется внедрению информационных и коммуникационных технологий во всех экономических и социальных сферах страны. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в том числе «...внедрение информационных и коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, систему управления»². При выполнении этих задач на основе разработки методов моделирования, обработки и анализа изображений сосудистой системы, алгоритмов и информационных технологий, а также количественной оценки их морфологических особенностей для медицинских целей, одной из актуальных задач является создание компьютерных системы, обеспечивающие раннюю диагностику заболеваний.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3245 от 29 августа 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий» и Указе Президента

¹ Н.Ю. Ильясова, А.В. Куприянов, А.О. Корепанов, М.А. Ананыш. Математические модели и методы оценивания диагностических параметров древовидных структур.- Самара: СГАУ, 2007 104 б.

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Республики Узбекистан № УП-5349 от 19 февраля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», а также других нормативных актах, относящихся к данной деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Это исследование реализовано в рамках части IV приоритетного направления «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

